

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ДЖУМАНОВ БАХТИЁР АБДУРАЗАКОВИЧ**

**ҲОМИЛАДОРЛИК АСОРАТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИНИ  
ПРОГНОЗЛАШ ВА ОЛДИНИ ОЛИШ Д ВИТАМИНИНИНГ  
ПАТОГЕНЕТИК АҲАМИЯТИ**

**14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Science (DSc)**

**Джуманов Бахтиёр Абдуразакович**

Ҳомиладорлик асоратларининг ривожланишини прогностлаш  
ва олдини олиш Д витаминининг патогенетик аҳамияти ..... 3

**Джуманов Бахтиёр Абдуразакович**

Патогенетическое значение витамина Д в прогнозе и профилактике  
развития осложнений беременности ..... 35

**Djumanov Bakhtiyor Abdurazakovich**

Pathogenetic significance of vitamin D in the prognosis and prevention  
of the development of pregnancy complications ..... 63

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 67

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ДЖУМАНОВ БАХТИЁР АБДУРАЗАКОВИЧ**

**ҲОМИЛАДОРЛИК АСОРАТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИНИ**  
**ПРОГНОЗЛАШ ВА ОЛДИНИ ОЛИШ Д ВИТАМИНИНИНГ**  
**ПАТОГЕНЕТИК АҲАМИЯТИ**

**14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

Фан доктори (DSc) диссертацияси манзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2019.2.DSc/Tib 356 рақам билан руйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган

Диссертация аятореферати уч тилда (узбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг [www.tashpmi.uz](http://www.tashpmi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталининг [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган

**Илмий маслаҳатчи:** Зуфарова Шахноза Алимжановна  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:** Каттаходжаева Махмуда Хамдамовна  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Алиева Дилфуза Абдуллаевна  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Хайбуллина Зарина Руслановна  
тиббиёт фанлари доктори


**Ўтказиш ташкилот:** Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини  
ривожлантириш маркази


Диссертация химояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 19.06.2021 кунги соат 11.00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел./факс: (+99871) 262-33-14, e-mail: mail@tashpi.uz).


Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида таништириш мумкин (№333 рақам билан руйхатга олинган). Манзил 100140, Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел./факс: (+99871) 262-33-14).

Диссертация аятореферати 2021 йил 19.06.2021 кунги таркатилди.  
(2021 йил «19» 07 даги 103 рақамли реестр баённомаси)



  
А. В. Алимов  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

  
К. Н. Хантов  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

  
Д. Н. Аҳмедова  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (докторлик диссертацияси (DSc) аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Дунёда она ва бола саломатлигини сақлашга жаҳон олимлари алоҳида аҳамият қаратмоқда. Жаҳон статистикасига мувофиқ, хомиладор аёлларнинг D витамини билан таъминланганлигини коррекциялаш бутун дунё соғлиқни сақлаш тузилмаларининг долзарб вазифаларидан бири саналади<sup>1</sup>. D витаминига рецепторлар барча репродуктив тўқималарда, жумладан тухумдонлар, бачадон, плацента, мойжлар ва гипофизда аниқланиши сабабли репродуктив саломатлик ҳолатидаги кўпгина кўрсаткичларнинг D витамини билан боғлиқлиги ўз-ўзидан юзага келади. Хомиладорлик даврида D витаминининг етарли миқдорини ушлаб туриш муҳим аҳамиятга эга. D витамини танқислиги вақтидан олдин кечадиган туғруқлар, гестацион диабет, преэклампсия, Кесарча кесиш хавфини ортиши ҳал қилиниши зарур бўлган долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда хомиладорликдаги асоратларни эрта ташхислаш, даволаш ва профилактика усуллари такомиллаштириш мақсадида бир қанча илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада тиббиётнинг янги даволаш ва профилактика ўтказиш усуллари такомиллаштириш ва самаравий қўллаш замонавий даволашнинг устувор йўналишидир. Ишнинг натижадорлигида хомиладорликнинг кечиши витамин D миқдorigа боғлиқлиги шубҳасиз бўлиб, бунда репродуктив босқичида қон зардобидаги D витамин миқдорининг оптимал меъёри айниқса хомиладорлик даврида ноаниқлигича қолмоқда. D витаминига боғлиқ бўлган касалликларни келиб чиқиш омилларига боғлиқ хавф асоратларини аниқлаш усуллари такомиллаштириш долзарб илмий муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий хизматни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан хомиладор аёлларда перинатал ёрдамни такомиллаштириш D витамини танқислигида даволашнинг ва олдини олишнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Бу борада «... хомиладор аёлни комплекс кузатуви бўйича чора-тадбирларни назарда тутувчи ўзаро ҳамкорлик ва мувофиқлаштирилишини таъминловчи ягона тизимни жорий этиш...»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Шулардан келиб чиқиб, хомиладорларга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга кўтариш, хомиладорлар орасида профилактика ишларини олиб бориш ва хомиладорлик вақтида юзага келиши мумкин бўлган касалликларни олдини олиш, соғлом муҳит яратиш, айниқса, турмушга чиқгунгача бўлган қизларда ва хомиладорлик вақтида юзага келиши мумкин бўлган асоратлар хавфини эрта ташхислаш, олдини олиш ва даволаш каби тадқиқотларни устувор амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан

<sup>1</sup> <http://www.euro.who.int/Improving-quality-of-antenatal-and-postpartum-careand-referral-system-Rus.pdf>.

<sup>2</sup> ЎзР Президентининг 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори.

такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 8 ноябрдаги ПҚ-4513-сон «Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтириш тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>3</sup>.** D витаминининг одам организмидаги ролини аниқлаш, шунингдек ҳомиладорликни режалаштиришда ушбу витамин танқислигини ташхислаш ва коррекциялаш, ҳамда ҳомиладорлик пайтидаги асоратлар ривожланишини олдини олишга доир ёндошувларни ишлаб чиқишга йўналтирилган тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказларида ва олий таълим муассасалари, жумладан: University of British Columbia (Канада); Zhejiang University (Хитой); Warsaw University (Польша); University of Cincinnati, Stanford University (АҚШ); Harvard Medical School (Буюк Британия); University of Budapest (Венгрия); Simon Fraser University Burnaby Canada (Канада); Chonbuk National University (Жанубий Корея); University Federico II, Naples (Италия); University of Debrecen (Венгрия); Leiden University (Нидерландия); Tel-Aviv University (Исроил); Federal University of Santa Catarina (Бразилия); Болалар саломатлиги илмий маркази ФДБМ ва РТФА Овқатланиш институти ФДБМ (Россия) ва Тошкент педиатрия тиббиёт институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Жаҳонда ҳомила ривожланишида D витаминининг аҳамияти, витамин танқислигини олдини олиш ва даволашга оид илмий-тадқиқотлар асосида қатор, жумладан куйидаги илмий натижалар олинган: D витамини миқдорининг етарлича бўлмаслиги TNF- $\alpha$ , IL-1 $\beta$ , IL-6, TGF- $\beta$ , IL-17A ва IL-17F яллиғланишга қарши пептидлар ҳамда микробга қарши омил REG3 $\gamma$  нинг миқдорини ошириши исботланган (University of British Columbia, Канада); D витамини етишмаслиги кўпроқ баҳор ва қиш мавсумларида кузатилиши ва унинг танқислиги суяклар ва буйрақлардаги физиологик ўзгаришларга ҳамда минерал гомеостаз кўрсаткичларининг бузилишига олиб келиши аниқланган (Warsaw University, Польша); D витамини танқислиги онкологик, инфекцион, аутоиммун, юрак-қон томир касалликлари, метаболик ва нейрокогнитив бузилишлар ривожланишига ёрдам бериши исботланган (Medical University of Vienna, Австрия); (University of Helsinki, Финляндия); (University of California,

---

<sup>3</sup>www. Pubmed; www.Hindawi; www.BMJ Open; www.LibDex - Library Index; www.The British Library

АҚШ); (Leuven Belgium, Бельгия); хомиладорлик даврида қон зардобиди D витамини миқдори паст бўлган оналардан туғилган болалар кўпроқ сурункали касалликлар: астма, тарқоқ склероз, қандли диабетнинг 1-тури, шизофрения ва бошқалар билан оғриши аниқланган (Zhejiang University, Хитой); D витамини танқислигини олдини олиш ва даволаш мезонлари такомиллаштирилган (Россия дипломдан кейинги таълим университети, Россия).

Дунё D витамини етишмовчилиги ва танқислигини ўрганиш, хомиладорлик пайтидаги асоратлар ривожланишини даволаш ва олдини олишга доир ёндошувларни ишлаб чиқиш бўйича катор, жумладан қуйидаги устивор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: D витамини танқислигининг хомиладорлик пайтидаги асоратлар ривожланишига таъсирини аниқлаш; базис терапия фониди D витамини танқислигини коррекциялашга доир ёндашувлар; хомиладорларда профилактик ва даволаш меёрларини тўғри танлаш; D витамини препаратларинг алохида формаларини танлаш ; хомиладорлик даври касалликларни олдини олиш ва даволашда қўлланиладиган замонавий усулларни такомиллаштириш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бугунги кунда тадқиқотчилар D витамини ҳамда хомиладорликнинг нохуш асоратлари ўртасида боғлиқлик мавжудлигини аниқлашди. Vodnar L.M. ва бошқалар тадқиқотларида преэклампсияли аёлларда нормал артериал босимга эга бўлган хомиладор аёлларга нисбатан 25(OH)D3 нинг циркуляцияланувчи миқдори паст эканлиги исботланган. Хомиладорлик пайтида 25 (OH) D3 миқдорининг 20 нг/мл дан кам бўлиши оғир ПЭ нинг деярли 4 баробар ортиши билан боғлиқ, метаболит миқдорининг 15 нг/мл дан паст бўлиши ПЭ ривожланишининг 5 баробар ортиш хавфи билан боғлиқ. ПЭ ни келтириб чиқарувчи патофизиологик жараёнларга D витамини танқислиги қандай қилиб кўшилиши ноаниқлигича қолмоқда. Бу D витаминининг кальцийни бошқариш функцияси билан боғлиқ бўлиши мумкин. Тадқиқотчи Liu N.Q. она ва плацентанинг иммунологик ҳамда яллиғланиш реакцияларини бошқаришни ПЭнинг шаклланиш механизмларидан бири сифатида баҳолашни таклиф этган. Плацентанинг ўзи фаол метаболит- 1 $\alpha$ , 25(OH)2D3 ишлаб чиқаради. Преэклампсияли хомиладорларда синцитиотрофобластада 1 $\alpha$ -гидроксилаза эксперссияси ва фаоллиги чегараланган. D витамини имплантация, трофобласт инвазияси билан боғлиқ таянч ген-нишонларни бошқариши ҳақида далиллар мавжуд. Имплантация толерантлигига келсак, Th2 хужайралар индукцияси нормал хомиладорликни бир маромда ушлаб туриш учун зарур бўлган кадамлардан бири бўлса, ПЭда хомила метаболизмига онанинг салбий реакцияси ва имплантациянинг бузилиши Th1-цитокинлар билан боғлиқ. Shand A.W. ва ҳаммуаллифлари ПЭда плацентар қон оқимининг камайишига онанинг жавоби D витамини концентрациясига боғлиқ бўлиши мумкин. D витамини танқислиги яллиғланиш реакциясига, шунингдек ангиогенез транскрипцияси генига, шу жумладан қон томирлар эндотелийсининг ўсиш омилига (VEGF) бевосита таъсир кўрсатиш орқали эндотелиал дисфункцияга олиб келиши мумкин. M. Naugen ва ҳаммуаллифлари (2009) томонидан Норвегияда биринчи марта туккан 23423нафар аёлда ўтказилган тадқиқотқунига D3

витаминами 400-600 МЕ да қабул қилган аёлларда, қўшимча олмаган аёлларга нисбатан, ПЭ ривожланиш хавфи 27%га камайишини кўрсатди. Vodnar et al. томонидан яқинда ўтказилган тадқиқот D витамини миқдори  $D < 15 \text{ нг/мл}$  бўлган ва хориоамнионитсиз аёллар ўртасида вақтидан илгари туғруқлар сони 17% га кўпайишини кўрсатди. 82 213 нафар бир ҳомилали чақалокларда ўтказилган тадқиқотларда Vodnar L.M. et al. D витамини ва Қуёш нурунинг мавсумий таъсирлари вақтидан илгари туғишга таъсир этишини асослаб беришган. Ёз ва кузда ҳомиладор бўлган аёлларда вақтидан илгари туғруқлар (ВИТ) кузатилиш частотаси энг паст, ва қиш ҳамда кузда ҳомиладор бўлган аёлларда эса анча юқори бўлиши аниқланган. Hollis B.W. et al. томонидан ўтказилган тадқиқот D витаминининг етарли миқдорда бўлиши вақтидан олдинги туғруқлардан ҳимоя қилиши мумкинли даволашдаги энг замонавий профилактика ва даволаш усули сифатида қаралади.

Илмий изланувчи олимлар томонидан ўтказилган ретроспектив тадқиқот ҳомиладорликнинг учинчи триместри бошланишида вақтидан илгари туғруқлар сабабли касалхонага ётқизилган аёллар ўртасида 25(OH)D миқдорининг анча пастлигини аниқлаб даволашдаги аҳамияти исботланган. Дорофейков В.В. ва ҳаммуаллифлари (2017) D витаминининг туғма иммунитет, тизим параметрларига муҳим таъсир этиши ҳамда хужайравий иммунитет фаоллигини бошқариш ВИТ хавфини камайтиришда мустақил аҳамиятга эга бўлиши мумкинлиги аниқлашган. D витамини миометрия фаоллигини пасайтириб ВИТ хавфини камайтириши мумкинлиги ҳам истисно эмас.

Merewood ва ҳаммуаллифлари (2009) 253 нафар аёлда кесар кесиш ҳолатлари сони билан D витамини ўртасида тескари алоқа мавжудлигини кўрсатишган. 25(OH)D3 даражаси 15 нг/мл дан кам бўлган аёлларда кесар кесиш ёрдамида туғиш ҳолатлари деярли тўрт баробар кўп кузатилган, бироқ ушбу касалликларни олдини олишда ва даволашда D витаминининг самарадорлигини баҳолаш борасида тадқиқотлар олиб имконини беради.

Яна шуни ҳам таъкидлаш лозимки, D витамини иммунитетнинг туғма ва адаптив турларини ушлаб туради. Организмнинг кўплаб бошқа хужайра ва тўқималари каби иммун хужайралар ҳам D витамини биотрансформацияси ферментларини экспрессиялайди ва D витаминининг натив циркуляцияланувчи шаклини фаол шакл-кальцитриолга маҳаллий ауто- ва паракрин ўзгаришининг биологик эҳтимолий механизмини таъминлайди. Хазова Е.Л., ва ҳаммуаллифлари (2017) бу жараёнда эҳтимол, нормал иммун функцияни амалга ошириш учун зарурдир ва демак, метаболизмнинг издан чиқиши ёки D витаминининг етарли миқдорда бўлмаслиги иммун жавобнинг дисрегуляциясига олиб келиши мумкинлигини таъкидлашган, аммо бизлар оммавий адабиёт манбаларида айнан турмушга чиқгунгача ва ҳомиладорлик вақтида маҳаллий иқлим шароитидан келиб чиқган ҳолда ўзгаришларга бағишланган илмий ишлар топмадик ва айни вақтда илмий давраларда мунозараларнинг долзарб мавзуси бўлиб қолмоқда.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий - тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан**



**боғлиқлиги.** Диссертация иши Тошкент педиатрия тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида №01.980006703 “Болаларда тугма ва орттирилган касалликларнинг олдини олиш, ташхислаш ва даволаш усулларини такомиллаштириш” (2020–2023) мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** акушерлик асоратларининг ривожланиши, уларни прогнозлаш ва олдини олишда D витамини ахамиятининг патогенетик хусусиятларини аниқлаш йўли билан ҳомиладорлик асоратлари частотасини камайтириш орқали хомиладорлик кечиши натижаларини яхшилашдан иборатдир .

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

турмуш курадиган 20 ёшдаги қизларда D витамини даражасини миқдорий баҳолаш;

хомиладорларда D витамини етишмовчилиги ва танқислигига таъсир кўрсатувчи хавф омилларини аниқлаш;

D витамини етишмовчилиги ва танқислиги қайд этилган аёлларда хомиладорлик , туғруқ, туғруқдан кейинги даврнинг клиник кечиш хусусиятлари ва чақалоқларининг ҳолатини баҳолаш;

D витамини билан таъминланиш даражаси турлича бўлган хомиладор аёллардаги иммунологик статус ўзгаришларини аниқлаш;

D витамини етишмовчилиги ва танқислиги қайд этилган аёлларда прегравидар тайёргарлик ўтказиш йўли билан хомиладорлик ва туғруқлар натижаларини оптималлаштиришга йўналтирилган хомиладорликни олиб бориш ёндашувларини такомиллаштириш;

хомиладор аёл организмнинг хомиладорлик тугагунига қадар D витамини билан тўйиниш даражасига кўра гестацион асоратлар ривожланиш частотасини аниқлаш;

организмнинг D витамини билан тўйиниш даражасига кўра “она-хомила” функционал тизими контекстида хомиладорлик якунини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2016-2018 йилларда Самарқанд шаҳри №1 оилавий поликлиникаси ва вилоят перинатал марказидаги хомиладорликнинг эрта муддатларида ҳамда унинг якун топишигача назоратда бўлган 503 нафар хомиладор аёл ва 120 нафар турмушга чиқадиган қизлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида лаборатория кўрсаткичларини ўрганиш учун периферик қон намуналари тадқиқотлар учун олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда клиник, хомила ультратовуш, Допплер ва цитокин ва циркуляр иммун комплекслар тахлили, статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор Ўзбекистонда турмушга чиқадиган 20 ёшли қизларда D витамини миқдори хомиладорликга таёрлаш босқичида текширилган ва 23% ҳолатда асоратли хомиладорлик ривожланишининг пасайиши аниқланган;

хомиладор аёлларда D витамини миқдори баҳоланган ва 75,5% асоратлар юзага келувчи хавфли груҳга киритилган хомиладор аёлларда D витамини танқислиги фонида асоратлар ривожланиши исботланган;

ўтказилган тадқиқотлар D витамини танқислигига мос келувчи даражасининг (20нг/мл дан кам) ҳомиладорлик кечишига кўпроқ салбий таъсир кўрсатиши исботланган;

D витамини танқислиги (30 нг/мл паст) бўйича хавф гуруҳига кирувчи ҳомиладор аёлларга оптимал меъёр (4000 МЕ) тайинланиб мақсадли равишда эрта даволаш усуллари (бунда витамин D дозасини қондаги витамин D миқдорига қараб белгиланган, 30 нг/мл паст бўлса 4000МЕ, меъёрга етгач 1000-2000МЕ қабул қилиниши давом эттирилган) такомиллаштирилган;

ҳомиладор аёлларда қон ва цервикал канал ҳужайраларида иммунитет кўрсаткичлари ҳамда D витамини миқдори коррелятив боғлиқлиги исботланган;

ҳомиладор аёлларда ҳомиладорликнинг 3-триместрида D витамини танқислиги ва етишмовчилигининг сақланиши уларда камқонлик ривожланишига олиб келиши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ўтказилган тадқиқотлар асосида D витамини танқислиги бўйича хавф гуруҳлари ажратиб олинган, бу гуруҳларга анамнезида ошқозон-ичак йўли, таянч –ҳаракат аппарати касалликлари, ёғ алмашинуви бузилишлари, тез-тез қайталанадиган юқумли касалликлар ва гениталийларида инфекциял-яллиғланиш касалликлари мавжудлиги аёлларда исботланган;

ҳомиладор аёлларда D витамини танқислиги ва етишмовчилигини олдини олиш ҳамда даволаш бўйича тавсия қилинган;

хавф гуруҳига кирувчи аёлларга ҳомиладорликни режалаштиришдан олдин D витамини миқдорини текширтириш тавсия қилинган;

ўтказилган тадқиқотлар D витамини танқислигига мос келувчи даражасининг ( 20нг/мл дан кам) ҳомиладорлик кечишига кўпроқ салбий таъсир кўрсатиши исботланган;

D витамини миқдори 30 нг/млдан кам бўлган ҳомиладорлар учун гестацион асоратларни камайтириш ва чақалоқларда D гиповитаминозини коррекциялаш учун D витаминининг бир кунлик 2000-4000 МЕ дозаси тавсия қилинган;

D витамини танқислигини ўз вақтида аниқлаш ва уни коррекциялаш ҳомиладорликдаги асоратлар хавфини камайтириш тизими такомиллаштирилган;

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қулланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жихатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан такқосланганлиги билан асосланган, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти асоратлар ривожланишига D витамини танқислигининг таъсир этиш механизмларини аниқлаш ва олдини олиш ҳамда

коррекциялашнинг асосли усулларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалари акушерлик ва гинекология соҳасидаги илмий тадқиқотларни тақомиллаштирилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ҳомиладор аёлларда D витамини етишмовчилиги ва танқислигини ўз вақтида аниқлаш ва коррекциялашда самарали натижаларга эришиш имконини беради, бу гестация бузилишлари ва яқунлари ривожланиш хавфини камайтиради, чакалоқларнинг яшаб қолиш даражасини оширади ҳамда гўдақлар ўлими кўрсаткичларини қисқартириш ва даволаш самарадорлигини ошириши ҳамда бемларлар ҳаёт сифатини яхшилаш имконини бериши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.** D витамини етишмовчилиги ва танқислигида ҳомиладорлик кечишидаги асоратларни олдини олиш бўйича олинган натижалар асосида:

D витамини етишмовчилиги ва танқислигида ҳомиладорлик кечишидаги асоратларни олдини олиш бўйича илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган “D витамини етишмовчилиги ва танқислигида ҳомиладорлик кечишидаги асоратларни олдини олиш усули” номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 24 декабрдаги 8н-р/602-сон маълумотномаси). Ушбу услубий тавсиянома ҳомиладорлик яқунларини яхшилаш ва болалар саломатлигини сақлашга хизмат қилган;

Ҳомиладорлик кечишидаги асоратларни олдини олишда D витаминини қўллаш бўйича илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган “Ҳомиладорлик кечишидаги асоратларни олдини олиш мақсадида ҳомиладорликга тайёргарлик кўришда D витаминини қўллаш” номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 24 декабрдаги 8н-р/603-сон маълумотномаси). Ушбу услубий тавсиянома ҳомиладорлик кечишини яхшилаш ва асоратлар сонини қисқартириш орқали даволаш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

D витамини етишмовчилиги ва танқислиги қайд этилган аёлларда профилактика ва даволаш самарадорлигини оширишга йўналтирилган тадқиқотдан олинган натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Республика аҳоли репродуктив саломатлик маркази, Пасдарғом тиббиёт бирлашмаси, Самарқанд шаҳар 2-сон туғруқ комплекси амалий фаолиятига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 29 январдаги 8н-д/9-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижаларининг татбиқ этилиши асоратлар сонини 19%га қисқартириш ва оналар ҳамда перинатал ўлим ҳолатларини олдини олиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 халқаро ва 2 та Республика миқёсидаги илмий амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан 8 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг умумий ҳажми 179 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асосланган, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар очиқ берилган.

Диссертациянинг **“Ҳомиладорликда Д витамини етишмовчилигининг замонавий масалалари”** деб номланган биринчи бобида ҳомиладорлик асоратларининг ривожланишини прогнозлаш ва профилактикасида Д витаминининг ролига бағишланган тадқиқотнинг назарий жиҳатлари таҳлил қилинган ва тизимлаштирилган, мавжуд диагностика ва профилактика усулларининг афзалликлари ва камчиликлари таҳлил қилинган, шунингдек, ушбу муаммонинг ҳал қилинмаган ва аниқлик киритишни талаб этувчи жиҳатлари аниқланган.

Диссертациянинг **“Тадқиқотнинг клиник материали ва усуллари умумий тавсифи”** деб номланган иккинчи бобида клиник материал ватадқиқот усулларига умумий характеристика берилган. Ушбу илмий-тадқиқот иши Самарқанд перинатал маркази базасида 2016 йилдан 2018 йилгача бўлган давр мобайнида бажарилган. Асосий клиник тадқиқотлар Самарқанд шаҳар акушерлик комплекслари базасида, шунингдек 1- ва 4-сонли оилавий поликлиникалари базасида олиб борилган.

Тадқиқотда 120 нафар турмушга чиқмаган қиз ва 503 нафар ҳомиладор аёллар иштирок этишган. Текширилган аёлларнинг барчаси бир хил иқлим-шароитида - асосан Самарқанд шаҳри ва вилоятида истиқомат қилишган, ўрта, ўрта махсус ва олий маълумот олишган.

Ҳомиладор аёллар ўртасида касбий фаолият зарарлилиги аниқланмаган. Аммо, инфицирланиш даражаси юқори касб эгалари (сотувчи, ўқитувчи, тиббиёт ходими) ҳомиладор аёлларнинг 21,1%ни (106/503) ва турмушга чиқмаган қизларнинг 16,7%ни (20/120) ташкил қилди. Барча текширилган аёлларнинг ёши 18 ёшдан 40 ёшгача бўлди, ўртача  $26,4 \pm 0,6$  ёшни ташкил этди.

Илмий ишда белгиланган вазифалар ечимини топиш учун барча тадқиқотлар уч босқичда амалга оширилди:

I босқич– ишнинг бошланғич босқичи, профилактик кўрик мақсадида тиббиёт муассасасига мурожаат қилган фертил ёшдаги ва турмушга чиқмаган 120 нафар қиз (18-20 ёш) текширилди. Текширилганларнинг ўртача ёши  $20 \pm 1,62$  йилни ташкил қилди, анамнезида ҳомиладорлик бўлмаган. Клиник-лаборатор текширувлар ўз ичига: анамнез йиғиш, D витамини миқдорини аниқлашни олди. Инструментал текшириш усулларида кичик чанок аъзоларининг ультратовуш текшируви (УТТ) қўлланилди.

Ҳомиладор аёллар организмининг D витамини билан тўйинганлик даражасини баҳолаш учун Халқаро Эндокринология Жамияти мезонларига мувофиқ Россия Эндокринологлари Уюшмасининг Россия тавсияларида баён этилган мезонларидан фойдаланилди (Holick M.F. et al., 2011; Дедов И.И., Мельниченко Г.А., 2015). Қондаги 25-гидроксикальциферолнинг меъерий миқдори сифатида 30 нг/мл дан ортиғи, етишмовчилиги эса  $> 21 < 29$  нг/мл, танқислиги  $-20$  нг/мл дан кам бўлиш ҳолати белгилаб олинди.

Текширувнинг биринчи босқичидан ўтган 120 аёл организмининг D витамини билан тўйиниш даражасига кўра 2 та гуруҳга бўлинди. Назорат гуруҳини организми D витамини билан тўйиниш даражаси меъерда бўлган 92 нафар киз (76,7%), асосий гуруҳни эса организми D витамини билан тўйиниш даражасида етишмовчилик аниқланган 28 киз (23,3%) ташкил қилди.

II босқич–қўйилган мақсадга мувофиқ 503 нафар ҳомиладор аёл (6 ҳафталикдан 24 ҳафтагача) комплекс проспектив текширувдан ўтказилди, шунингдек, гестациянинг перинатал ва онанинг туғиш натижалари таҳлил этилди. Аёлларнинг ўртача ёши  $27,0 \pm 2,5$  йилни ташкил қилди.

Текширув акушерлик соҳасидаги стандартларга мувофиқ амалга оширилди, бу текширув қуйидагиларни ўз ичига олди:

- аёл саломатлиги ҳолати тўғрисида анамнез тўплаш, шу жумладан аллергия анамнез ва зарарли одатлар;

- акушерлик-гинекологик анамнезни ўрганиш (аввалги ҳомиладорлик ва туғруқлар асоратларига алоҳида эътибор қаратилади);

- умумклиник текширувлар, бунда тана тузилишининг типлари баҳоланди, тана вазни танқислиги ёки ортиқлигига эътибор қаратилди.

Ҳомиладор аёлнинг умумий кўригида тери қопламлари ва шиллик қаватларнинг рангига алоҳида эътибор берилди, сут безлари пальпацияси, ўпка ва юрак аускультацияси бажарилди, АБ ва пульс частотаси ўлчанди. Барча аёллар кўрикдан ўтказилди, чанок ўлчамлари ўлчанди.

Барча ҳомиладор аёлларда ЭКГ, кўрсатма бўлганда буйрак ва жигар УТТ ўтказилган. Бачадон УТТ ҳомиладорликнинг 12-14; 20-22; 32-34; 38-40 ҳафтасида бажарилган.

Ҳомиладор аёлларнинг барчасида лаборатория текширувлари ўтказилди, у ўз ичига: 3-4 ва ундан кўп марта умумий қон таҳлилини, 12-14 марта умумий сийдик таҳлилини ўтказиш; қин сўртмаларининг 3 ва ундан ортиқ марта микроскопиясини ўтказиш; қон гуруҳлари ва резус-факторни аниқлаш; қонни серологик реакциялар комплексига текшириш: сифилис, HBsAg мавжудлиги, ОИВ-инфекция мавжудлиги (2-3 марта). шу билан бирга, ҳомиладорликнинг I ва II триместрларида, тадқиқот вазифалари ечимини топиш учун D витамини миқдорини текшириш амалга оширилди.

Ҳомиладорликнинг 6 ҳафтасидан 24 ҳафтасигача бўлган муддатдаги 380 ҳомиладор аёлда D витамини миқдорини баҳолаш ўтказилди. D витамини миқдорига кўра ҳомиладор аёллар 2та гуруҳга бўлинди: 1-гуруҳни D витамини миқдори паст бўлган 177 ҳомиладор аёл (46,6%); 2-гуруҳни D витамини миқдори нормал кўрсаткичларга эга – 203 ҳомиладор ташкил қилди.

D витамини танқислиги ва етишмовчилиги қайд этилган 76 нафар аёлда қон зардаобидаги INF-у, IL-4, IL-8 ва IL-10 цитокинлари концентрациялари аниқланиб иммунитет кўрсаткичлари ўрганилди. Шунингдек бу беморларда цервикал канал шиллиғида INF-у, IL-4, IL-8, IL-10 цитокинлари аниқланди.

Учинчи босқичда турмушга чиқмаган 75 нафар қизда D витаминини тайинлаш самарадорлиги баҳоланди, шундан 28 нафар қизда аниқланган D витамини танқислигини даволаш мақсадида ва 47 нафар қизда D витамини танқислигини олдини олиш мақсадида буюрилди.

97 нафар ҳомиладор аёл ўртасида аниқланган D витамини танқислигини, 110 нафар ҳомиладорда эса D витамини танқислигини олдини олиш мақсадида даволаш олиб борилди.

Тадқиқотда олинган натижаларга Microsoft Office Excel-2016 амалий дастурларнинг стандарт пакети ёрдамида статистик ишлов берилган.

Диссертациянинг “Турмуш қурадиган қизларнинг D витамини билан таъминланганлиги” деб номланган учинчи бобида 20 ёшда бўлган турмуш қурадиган қизларда D витаминининг миқдорини баҳолаш натижалари берилган. Қизлар ўртасида ўтказилган сўровнома шуни кўрсатадики, қизларнинг 65%да D витаминининг профилактик дозаси сақланадиган поливитаминлар қабул қилишмаган. 31,7% қизлар ўз овқат рационига D витамини сақловчи маҳсулотларни киритишган. Сўровда иштирок этган 26,7% қизлар анамнезида рахит мавжудлигини кўрсатишган.

Поликлиника бўғини гинекологлари ўртасида ўтказилган сўровнома участка шифокорларининг организмда D витаминининг миқдори ҳақида билимлари етарли эмаслигини кўрсатди, шу сабабли репродуктив ёшдаги аёлларни D витамини билан таъминланиши, унинг етишмовчилиги ёки танқислигига олиб келувчи хавф омиллари ҳақида шифокорларнинг ушбу мавзу бўйича ахборот хатлари, ўқув қўлланмалар орқали хабардор қилиш зарурати мавжуд.

D витамини миқдори таҳлил қилинганда текширилган аёлларнинг барчасида қон зардобидеги D витамини миқдорининг меъёрий кўрсаткичлари (34,2±5,2 нг/мл) текширилган 76,7% қизда (92/120), аниқланди, максимал даража 37,1 нг/мл., минимал даража - 29,87 нг/мл.ни ташкил қилди (жадв. 1).

**Жадвал 1**

**Текширилган қизларда D витамини миқдори (n=120)**

Даражаси	M±m	Қизлар сони	
		Абс.	%
25(OH)D миқдори 20 нг/мл.дан кам бўлиши (танқислик)	16,2±3,4 (13,5-20,7)	8	6,6
25(OH)D миқдори 21-29 нг/мл (етишмовчилик)	25,4±0,81 (21,4-28,6)	20	16,7
25(OH)D миқдори 30 нг/млдан юқори (меъёр)	33,1±0,81 (29,8-37,1)	92	76,7

8 нафар қизда (6,6%) D витамини танқислиги қайд этилди (16,2±3,4 нг/мл), бу гуруҳда минимал даража 13,5 нг/мл, максимал даража - 20,7 нг/мл

ни ташкил қилди. D витамини етишмовчилиги ( $25,4 \pm 0,81$  нг/мл) қизларнинг 20 нафариди (16,7%) аниқланди, бу гуруҳда минимал даража 21,4 нг/мл, максимал даража – 28,6 нг/млни ташкил қилди.

Кальций-фосфор алмашинуви ва унинг бошқарувчиларини ўрганиш натижалари қизларда D витамини етишмовчилиги билан умумий ҳамда ионлашган кальций, фосфор танқислиги даражаси, шунингдек ишқорий фосфатаза ва паратгормон ортиши ўртасида боғлиқлик мавжудлигини намойиш этишди. ИФ кўрсаткичлари D витамини танқислигида 2,3 марта ва D витамини етишмовчилигида – 1,2 марта юқори бўлди; паратгормон - D витамини танқислигида -3,2 марта ва D витамини етишмовчилигида 2,6 марта юқори бўлди ( $p < 0,05$ ,  $p < 0,001$ ). D витамини танқислигида етишмовчилигига нисбатан умумий, ионлашган кальций, ИФ, фосфор ва ПТГ кўрсаткичларида ишончли фарқ аниқланди.

Текширилган қизлар иккита когортага тақсимланди: IA – 92 қиз D витамини меъерий даражада бўлган ва IB когорта – D витамини паст даражада бўлган 28 нафар қиз. Ҳайз функцияси характери таҳлилида функционал бузилишлар IA когортасидаги 29 нафар қизда (32%) ва IB когортасидаги 23 қизда (82%) бўлганлигини аниқлади (жадв. 2).

## Жадвал 2

### Текширилган қизларда ҳайз функцияси тавсифи

Бузилишлар	Текширилганлар сони			
	IA когорта (n=92)		IB когорта(n=28)	
дисменорея	26	28,3	16	57,1*
опсоменорея	3	3,3	7	25,0*
бузилишларсиз	63	68,5	5	17,9*

Изоҳ: \*когорталар бўйича натижалар ишончилиги ( $P < 0,05$ )

Бу бузилишлар структурасида дисменорея (IA когортада - 28,3%; IB когортада - 57,1%) ва опсоменорея (IA когортада - 3,3%; IB когортада - 25%) устунлик қилди.

Қайд этиш лозимки, ҳайз функциясининг бузилиши кўпинча D витамини танқислигида (20 нг/млдан кам) кузатилди, 25(OH)D даражада 21-29 нг/мл кўрсаткичларда- 87,5% (7/8), 25(OH)D даражада 20 нг/млдан кам – 80,0% (12/20).

Шунингдек, иккала когорта қизларида анамнезида бачадондан ювенил қон кетишларининг бир-иккита ҳолатлари қайд этилган.

IB когортада D витамини ва ТВИ ўртасида кучсиз манфий корреляцион боғлиқлик аниқланган ИМТ ( $r = -0,421$ ).

Эҳтимол, бу кўрсаткичларни ушбу когортада ТВИнинг ўртача миқдори  $27,2 \pm 1,81$ ни ташкил қилганлиги билан боғлиқ, бу тана вазнининг ортиқлиги билан изоҳланади.

Организмда D витамини миқдорининг етишмовчилиги ривожланиш хавф омилларини аниқлашда клиник-анамнестик маълумотлардан фойдаланилди, бу маълумотлар 60 нафар қиздан олинган ва 3-жадвалда акс эттирилган.

## Қизларда D витамини танқислиги хавф омиллари (n=60)

Хавф омиллари	IA ко-горта (n=37)		IV когорта (n=23)		P<
	Абс.	%	Абс.	%	
Пре-ва перинатал омиллар					
Онанинг ёши 25 ёшдан катта	5	13,5	13	56,5	0,05
Ҳомиладорлиги 3 мартадан кўп	11	29,7	14	60,9	0,05
Токсикоз, ҳомиладорлик тўхташи хавфи	10	27,0	9	39,1	-
Преморбид фон					
Вирус-бактериал инфекция ВДП	5	13,5	14	60,9	0,01
ОИЙ касалликлари	11	29,7	12	52,2	0,05
Вегето-кон томир дистонияси	5	13,5	15	65,2	0,01
Объектив кўрик					
Уйқунинг бузилиши, кўп терлаш	5	13,5	18	78,3	0,01
Қоматнинг бузилиши	16	43,2	16	69,6	0,05
Кариес, тишларнинг бўлмаслиги, эмалдаги нуксонлар	5	13,5	12	52,2	0,01
Поливитаминлар қабули	26	70,3	1	4,3	0,01

Қизларда D витамини билан паст даражада таъминланишини шакллантиришга олиб келувчи ХО таҳлил қилинганда пре- ва перинатал омиллар, касалликларнинг мавжудлиги, объектив кўрув маълумотларига эътибор қаратилди.

Умуман олганда, қон зардобида D витамини миқдорини ўрганиш текширилган қизларнинг 23,3%да D витаминининг паст даражаси аниқлади. D витамини танқислиги ривожланиш хавф омиллари: онанинг ёши 25 ёшдан катта бўлиши, ҳомиладорлик пайтида яққол ифодаланган токсикоз ва ҳомиладорликнинг тўхташ хавфи бўлганлиги, 3- ва ундан кўп ҳомиладорликдан туғилиши, ОИЙ, нафас тизими, нейровегетатив тизим касалликлари, таркибда холекальциферолнинг профилактик дозасини(400-500МЕ). сақловчиполивитаминларни қабул қилмаслик.

Ишончлилик даражасига кўра қизларда D витаминимиқдорига таъсир кўрсатувчи энг аҳамиятли омиллар қуйидагилар саналади– ҳомиладорлик кечишида перинаталанамнез оғирлашуви мавжудлиги, онанинг ёши, ирсий аллергик ва онкологик касалликлар мавжудлиги, қизларда ЮҚТ касалликлари ва суяк-бўғим тизими ҳолатларининг мавжудлиги.

Диссертациянинг “D витаминининг турли даражасига эга аёлларда ҳомиладорлик ва туғруқларнинг клиник-иммунологик кечиш хусусиятлари” деб номланган тўртинчи бобида D витамини даражасига боғлиқ ҳолда ҳомиладор аёлларни текшириш натижалари акс эттирилган. 503 нафар ҳомиладор аёлда (6 ҳафталикдан 24 ҳафтагача) D витамини даражаси баҳоланди. D витамини миқдорига кўра ҳомиладор аёллар 2та гуруҳга бўлинди: 1-гуруҳни D витамини танқислиги қайд этилган 177 ҳомиладор аёл (46,6%) ташкил этди, бу 25(ОН)D нинг 20 нг/млдан паст даражасига тўғри келади; 2-гуруҳни 203 (40,4%) нафар ҳомиладор ташкил қилди, бу 25(ОН)D



нинг 21-29нг/мл даражасига тўғри келади. Қолган ҳолатларда (123/503; 24,4%) ҳомиладорлар D витаминининг меъёрий миқдорига эга бўлишди (30 нг/мл юқори). Барча гуруҳлардаги аёлларнинг деярли ярми (1-гуруҳдаги 2% (92 аёл), 2-гуруҳдаги 51,7% (105 аёл) ва назорат гуруҳидаги 66,7% (20 аёл)) 24 ёшдан катта ёш тоифасига мансуб бўлди (жадвал 4).

#### Жадвал4

#### Текширилган гуруҳлардаги ҳомиладорларда бирга кечувчи соматик патология

Патология характери	Текширилган аёллар гуруҳлари (n=410)					
	Асосий гуруҳ				Назорат гуруҳи (n=30)	
	1 гуруҳ (n=177)		2 гуруҳ (n=203)			
	Абс.	%	Абс.	%	Абс.	%
Кўриш аъзолари патологиялари	58	32,8*	14	6,9	3	10
ЮҚТ патологиялари	42	23,7	26	12,8	5	17
Эндокрин тизими патологиялари	19	10,7	14	6,9	2	7
ОИЙ патологиялари	73	41,2*	35	17,2	4	13
Сийдик ажратиш йўллари патологиялари	19	10,7	20	9,9	3	10
Таянч-ҳаракат аппарати касалликлари	50	28,2*	14	6,9	1	3
Аутоиммун касалликлар	16	9,0*	6	3,0	1	3
Тромбофилиялар	39	22,0*	35	17,2	3	10
Ёғ алмашинуви бузилишлари	50	28,2*	0	0,0	0	0,0
Ўтказилган жарроҳлик аралашувлари	46	26,0*	26	12,8	1	3

Изоҳ: \* - 1- гуруҳ ва назорат гуруҳи ўртасида ( $p < 0,05$ ).

D витамини миқдори турлича бўлган текширилган ҳомиладорлар ўртасида соматик касалликлар характери ҳақидаги маълумотлар 4-жадвалда келтирилган.

Қайд этиш лозимки, соматик патология назорат гуруҳидаги аёлларга нисбатан D витамини танқислиги қайд этилган аёллар гуруҳида кўпроқ кузатилди ( $p < 0,05$ ), аёллар анамнезида ошқозон-ичак йўли касалликлари (ОИЙ), кўриш аъзолари патологиялари, таянч-ҳаракат аппарати касалликлари, ёғ алмашинуви бузилиши (ЁАБ), жарроҳлик аралашувлари кўпроқ кузатилган. Экстрагенитал патологиялар ўртасида ОИЙ касалликлари D витамини танқислиги қайд этилган ҳомиладорларда витамининг етишмовчилиги қайд этилган аёлларга нисбатан 3,5 марта кўп кузатилди ва D витамини танқислиги ривожланишининг аҳамиятга молик омили ҳисобланди (ИН3,52; 95% ДИ: 1,14-10,8,  $p < 0,05$ ).

Шунингдек, 1-гуруҳ ҳомиладорларида D витамини танқислиги таянч-ҳаракат аппарати касалликлари ривожланишининг хавф омили (ИН 5,52; 95% ДИ: 1,15-26,6,  $p < 0,05$ ). D витамини танқислиги қайд этилган ҳомиладорларда 12 (26%) ҳолатда анамнезида жарроҳлик аралашувлари ўтказилган, шундан 42% ҳолатда жарроҳлик аралашувларига сабаб таянч-ҳаракат аппарати жароҳатлари бўлган.

Барча текширилган аёллар анамнези ўрганилганда ҳайз циклининг турли бузилишлари аниқланган, бунда яққол бузилишлар D витамини танқислиги

қайд этилган 1-гурухда кўпроқ кузатилган: ҳайз циклининг 35 кундан ортиқ бўлиши 49 (27,7%) аёлда қайд этилган бўлса, 2-гурухда- 35 (17,2%) ва назорат гуруҳида- 4 (13,0%): мунтазам бўлмаган менструация 1-гурухда 46 (26%) ҳолатда, 20 (9,9%) - 2-гурухда ва 3 ҳолатда (10%) – назорат гуруҳида аниқланган. Меноррагия ташхиси (кўп миқдордаги менструациялар) 1-гурухдаги 50 (28,2%) ҳомиладор анамнезида қайд этилган, бу назорат гуруҳидаги кўрсаткичларга нисбатан сезиларли кўп ( $\chi^2=6,022$ ;  $F=0,014$ ;  $p<0,05$ ). Гинекологик касалликлар частотаси 2- ва назорат гуруҳидагига нисбатан 1-гурухда сезиларли юқори. Аёллар жинсий аъзолари яллиғланиш касалликлари каби патологиялар D витамини танқислигига эга аёлларда ривожланиш эҳтимоли мавжуд (НИ - 3,52; 95% ДИ: 1,14-10,84,  $p<0,05$ ).

1-гурух аёлларида ушбу патология 72 (40,7%) аёл анамнезида аниқланган, бу 2-гурухдаги 34 (16,7%) ҳолатдан ( $\chi^2=5,1$ ;  $p=0,05$ ), ва назорат гуруҳидаги 4 (13%) ҳолатдан ( $\chi^2=4,74$ ;  $F=0,036$ ;  $p<0,05$ ) сезиларли кўп. Бачадон бўйни эктопияси кўпроқ 1-гурухдаги ҳомиладорларда кузатилди- 65 (36,7%) ҳолат, 2-гурухда -55 (27,1%), назорат гуруҳида -6 (20%) ҳолат.

Анамнезда бирламчи ва иккиламчи бепуштлик фақат 1-гурухда-20 (11,3%) ҳомиладорликда қайд этилди, 2-гурух ва назорат гуруҳида анамнезда бепуштлик кузатилмади.

Репродуктив фаолиятидаги бундай бузилишлар 1-гурух ҳомиладорларида илгари ўтказилган ўткир яллиғланиш жараёнлари ва уларнинг сурункали жараёнга ўтишидан  $2,4 \pm 1,9$  йилдан кейин аниқланган. Репродуктив функцияни баҳолашда ҳомиладорликлар сони ва уларнинг натижалари кўпроқ қизиқишга сабаб бўлди. 1-гурухдаги ҳомиладорликларнинг умумий сони -138, 2-гурухда – 81 ва назорат гуруҳида 14 тани ташкил қилди.

Текширилган ҳомиладор аёлларда ҳомиладорлик натижалари 5-жадвалда келтирилган.

## Жадвал 5

### Текширилган аёллар анамнезида ҳомиладорлик натижалари

Натижалар	Текширилган аёллар гуруҳлари (n=410)					
	Асосий гуруҳ				Назорат гуруҳи (n=30)	
	1 гуруҳ (n=177)		2 гуруҳ (n=203)			
	Абс.	%	Абс.	%	Абс.	%
Ўз вақтидаги туғруқлар	42	23,7	26	12,8	10	33,3
Вақтидан илгари туғруқлар	7	4,0	0	0	0	0
Ғайририхтиёрий бола ташлашлар	53	29,9*	26	12,8	2	6,7
Тиббий аборт	46	26,0*	26	12,8	2	6,7
Жами	138	78,0*	81	39,9	14	46,7

Изоҳ: \* - кўрсаткичлардаги фарқларнинг ишончлилиги 1- гуруҳ ва назорат гуруҳи ўртасида ( $p<0,05$ ).

Такдим этилган маълумотлардан кўриниб турибдики, 1-гурухдаги 42 (23,7%) аёлда туғруқлар ўз вақтида кечган, 46 (26,0%) аёлда - артифициал тиббий аборт амалга оширилган.

Қолган ҳолатларда ҳомиладорлик ноҳуш яқунланган. Ғайририхтиёрий бола ташлаш 1-гурухдаги 53 (29,9%) аёлда қайд этилган, бу назорат

гуруҳидаги 2 (6,7%) ҳолатга нисбатан сезиларли юқори ( $\chi^2=4,67$ ;  $F=0,038$ ;  $p<0,05$ ). Бундан ташқари, 1-гуруҳдаги 53 (53,4%) аёлдан 31 нафарида бола ташлаш ҳолатлари такрорланган, ва бу ҳолатни одатий ҳомиладорликни кўтара олмаслик деб аташ қабул қилинган. Ғайриихтиёрий бола ташлаш ҳолатлари кўпроқ ҳомиладорликнинг I- триместрида (72%), камдан кам ҳолларда -II триместрда (28%) содир бўлган. Назорат гуруҳидаги аёлларда бундай асоратлар қайд этилмади.

Аёлларда D витаминининг ҳомиладорлик сонига боғлиқ равишдаги ишончли фарқланиши аниқланмади (жадв.6).

**Жадвал 6**

**Текширилган аёлларнинг ҳомиладорлик частотаси бўйича тақсимланиши**

Ҳомиладорликлар частотаси	Текширилган аёллар гуруҳлари (n=410)					
	Асосий гуруҳ				Назорат гуруҳи (n=30)	
	1 гуруҳ (n=177)		2 гуруҳ (n=203)			
	Абс.	%	Абс.	%	Абс.	%
Биринчи марта ҳомиладор бўлганлар	88	49,7	115	56,7	15	50
Қайта ҳомиладор бўлганлар	89	50,3	88	43,3	15	50

Гуруҳларда аёлларнинг биринчи марта ҳомиладор ва қайта ҳомиладор бўлганларга бўлиниши статистик жиҳатдан аҳамиятли бўлмади ( $p<0,05$ ), бу эса текширилаётган гуруҳлардаги аёлларни таққослаш имконини беради.

Ҳомиладорлар ўртасида аниқланган қўзғатувчилар таҳлили ўтказилди, таҳлил натижалари 7-жадвалда келтирилган.

**Жадвал 7**

**Аниқланган қўзғатувчилар тавсифи**

Аниқланган қўзғатувчилар синфи	Текширилган аёллар гуруҳлари (n=410)					
	Асосий гуруҳ				Назорат гуруҳи (n=30)	
	1 гуруҳ (n=177)		2 гуруҳ (n=203)			
	Абс.	%	Абс.	%	Абс.	%
Урогенитал инфекциялар (шартли-патоген вааниқ патогенлар)	39	22,0	41	20,2	6	20
Вируслар	19	10,7	34	16,7	0	0
Носпецифик флора (Аэроб флора)	69	39,0	47	23,2	5	16,7
Аралаш инфекция (бактериал-вирусли)	76	42,9	47	23,2	0	
Жами	203	114,7*	169	83,3*	11	36,7

Изоҳ: кўрсаткичлардаги фарқларнинг ишончилиги ( $p<0,01$ ) 1-, 2- гуруҳлар ва назорат гуруҳи ўртасида.

7-жадвалда тақдим этилган маълумотларга кўришиб турганидек, D витамини даражаси билан инфекция жараён ривожланиш эҳтимоллиги ўртасида бевосита боғлиқлик аниқланади ( $HX=1,2$ ; 95% ДИ: 1,023-1,41,  $p<0,05$ ).

D витамини танқислигига (<20нг/мл) эга 1-гуруҳ ҳомиладорларида инфекция юклама D витамини етишмовчилиги (<30нг/мл) қайд этилган 2-гуруҳ ҳомиладорларидагига нисбатан 1,2 баробар юқори ва ҳомиладорлиги физиологик кечаётган назорат гуруҳидаги ҳомиладорлардаги инфекция юкламадан эса 2,8 баробар юқори (НХ=2,78; 95% ДИ: 1,65-4,69; p=0,05). Қайд этиш лозимки, аксарият ҳолатларда 1- ва 2-гуруҳ ҳомиладорларида инфицирланиш аралаш бактериал-вирусли инфекция билан боғлиқ бўлди: назорат гуруҳидан фарқли равишда 1-гуруҳдаги 76 (42,9%) ( $\chi^2=15,13$ ; F=0,0005; p<0,05) ҳомиладорда ва 2-гуруҳдаги 47 (23,2%) ( $\chi^2=6,68$ ; F=0,0124; p<0,05) ҳомиладорда.

Бактериал-вирусли инфекция цервикал канал ҳужайраларида ва ДНК CMV, 1 ва 2 типдаги HSVда Mycoplasma genitalium. Ureaplasma urealyticum. Chlamydia trachomatis мавжудлиги билан характерланди. Қон ва цервикал канал ҳужайраларида EBV, ҳамда бактериал вагиноз ва Candida albicans мавжудлиги билан характерланди. Шунингдек, ҳомиладорлар конида IgMнинг мусбат кўрсаткичларининг мавжудлиги ҳам вирусли инфекция фаоллашувига киритилди. Шу билан бирга, назорат гуруҳидаги фақатгина 11 (36,7%) ҳомиладорларда шартли-патоген флора мавжудлиги қайд этилди. Жадвалдан кўриниб турибдики, конидаги D витамини даражаси қанчалик паст бўлса, вирусли инфекция мавжудлиги ва фаоллашуви частотаси ҳам шунча юқори бўлади ва вирусли инфекция D витамини даражасимеъерий кўрсаткичларга яқин бўлган назорат гуруҳига нисбатан D витамини даражаси паст бўлган 1- ва 2-гуруҳларда кўпроқ аниқланади (p<0,05).

Қин микробиоценозини баҳолашда ҳомиладорларнинг барча гуруҳларида микрофлора таркибига кўра ўхшаш эмаслиги аниқланди ва типик бактериялар-эубиотлар ҳамда ШПФ орқали намоён бўлди. Қин микрофлорасининг таҳлили 1-гуруҳ ҳомиладорларида тилларанг стафилококк 7,7% ҳолатда аниқланишини (колонизация жадаллиги -  $5,9 \pm 0,8$  lg КОЕ/г) (p<0,05) кўрсатди. Энтерококклар 6,7% ҳолатда кузатилди (колонизация жадаллиги -  $3,7 \pm 0,2$  lg КОЕ/г). Шу билан бирга, ҳомиладорларнинг 2-гуруҳида тилларанг стафилококк 4,0% ҳолатда  $6,4 \pm 0,6$  lg КОЕ/г колонизация жадаллигида билан аниқланди. Эубактериялар 1,3% ҳолатда  $4,5 \pm 0,2$  lg КОЕ/г колонизация жадаллигида билан кузатилди.

1-гуруҳдаги ҳомиладорларда микроорганизмларнинг ўртача колонизация жадаллиги  $5,4 \pm 0,3$  lg КОЕ/гни, 2- гуруҳда -  $4,7 \pm 1,1$  lg КОЕ/г, назорат гуруҳида -  $4,6 \pm 1,1$  lg КОЕ/г ташкил қилди, бу D витамини танқислигига эга ҳомиладорларда қинда микроорганизмларнинг кузатилиши яққол ифодаланишини тасдиқлайди. Асосий гуруҳдаги текширилган ҳомиладорларнинг 135 нафари (35,5%) стационар даволанишда бўлишган. Шундан 60 (15,8%) ҳолатда ўтказилган терапия фонида ҳомиладорликни асраб қолишнинг имкони бўлмади: 35 (9,2%) аёлда ҳомиладорлик ривожланмаганлиги сабабли ва 25 (6,6%) аёлда ғайриихтиёрий бола тушиш оқибатида ҳомиладорлик тўхтаган. Бу ҳомиладорларда ҳомила қолдиқлари олиб ташланган. Бу аёлларда ҳомиладорлик муддати ўртача  $11,7 \pm 3,5$  ҳафтани

ташқил қилди. Биз томондан ҳомиладорлик кечиш характерининг D витамини даражасига аниқ боғлиқлиги қайд этилди.

D витамини даражаси турлича бўлган аёлларда ҳомиладорликнинг кечиш хусусиятлари 8 жадвалда келтирилган.

**Жадвал 8**

**Гуруҳларда ҳомиладорлик натижалари**

Ҳомиладорлик натижаси	Текширилган аёллар гуруҳлари (n=410)					
	Асосий гуруҳ				Назорат гуруҳи (n=30)	
	1 гуруҳ (n=177)		1 гуруҳ (n=177)			
	Абс.	%	Абс.	%	Абс.	%
Ҳомиладорлик давом этган	135	76,3	185	91,1	30	100
Ҳомиладорлик тўхтаган	42	23,7	18	8,9*	0	0

Изоҳ: кўрсаткичлардаги фарқларнинг ишончлилиги ( $p < 0,05$ ) 1-гуруҳнинг 2-гуруҳдан ( $\chi^2=5,78$ ;  $F=0,022$ ;  $p < 0,05$ ) ва назорат гуруҳидан ( $\chi^2=7,07$ ;  $F=0,006$ ;  $p < 0,05$ ).

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турганидики, D витамини танқислигига эга 1-гуруҳ ҳомиладорларида ҳомиладорлик тўхташи кўпроқ кузатилди: 42 (23,7%) аёлда, 2-гуруҳда эса гестациянинг 8 ҳафталигида факатгина 18 аёлда ҳомиладорлик тўхтаган ( $\chi^2=5,78$ ;  $F=0,022$ ;  $p < 0,05$ ). Назорат гуруҳида барча ҳомиладорликлар давом этган.

Шундай қилиб, D витамини танқислиги фонида ҳомиладорларда имкониятлар нисбати мезонлари бўйича ҳомиладорликнинг тўхташ эҳтимоли D витамини етишмовчилигига эга ҳомиладорларга кўра 9 марта юқори бўлган (НИ 9,11; 95% ДИ: 1,11-74,84,  $p < 0,05$ ).

Ҳомиладорлик кечиш хусусиятларини ўрганиш натижаларининг таҳлили (жадв.9)

**Жадвал 9**

**Гуруҳларда ҳомиладорлик асоратларининг кузатилиш частотаси**

Ҳомиладорлик кечиши асоратлари	Текширилган аёллар гуруҳлари (n=410)					
	Асосий гуруҳ				Назорат гуруҳи (n=30)	
	1 гуруҳ (n=177)		2 гуруҳ (n=203)			
	Абс.	%	Абс.	%	Абс.	%
Ҳомиладорликнинг I триместрда тўхташ хавфи	62	35,0*	35	17,2	0	0,0
Ҳомиладорликнинг II триместрда тўхташ хавфи	81	45,8*	41	20,2	0	0,0
Паст плацентация	76	42,9^	61	30,0	4	13,3
ИЦЕ	16	9,0	0	0,0	0	0,0
Ретрохориал гематома	30	16,9	26	12,8	0	0,0
ГКД	12	6,8*	6	3,0	0	0,0
Грипп, ЎРЗ	62	35,0^	41	20,2	2	6,7
Гестацион гипотиреоз	12	6,8	14	6,9	0	
Анемия	30	16,9*^	14	6,9	2	6,7
Гиперкоагуляция	62	35,0*	34	16,7	4	13,3
Жами	442	249,7*^	258	127,1^	12	40,0

Изоҳ: \* - натижалар ишончлилиги ( $p < 0,01$ ) 1- ва 2-гуруҳлар ўртасида;

^ - назорат гуруҳига нисбатан натижалар ишончлилиги ( $p < 0,01$ ).

D витамини танқислигига эга аёлларнинг 1- гуруҳида ҳомиладорлик асоратлари частотаси D витамини етишмовчилигига эга 2-гуруҳ ҳомиладорларига нисбатан 2 баробар юқорилигини ( $\chi^2=29,9$ ;  $p<0,01$ ). ва назорат гуруҳига нисбатан 6 баробар юқорилигини ( $\chi^2=77,3$ ;  $p<0,01$ ) кўрсатди.

Ҳомиладорлик асоратларидан: истмик-цервикал етишмовчилик (ИЦЕ), гестацион қандли диабет (ГСД), ҳомиладорлик гипотиреози, ҳомиладорлар анемияси, гестация муддатлари мос келмайдиган гиперкоагуляция кузатилди.

1-гуруҳда кўпроқ ташхисланди:


ҳомиладорликнинг I триместрда тўхташи, бу асорат 62 (35,0%; 62/177;  $p<0,05$ ) аёлда қайд этилди;

ҳомиладорликнинг 2-триместрида тўхташ хавфи - 81 (45,8%; 81/177;  $p<0,05$ )

ҳомиладорда кузатилди, паст плацентация - 76 (42,9%; 76/177;  $p<0,05$ ) ҳомиладорда, ретрохориал гематомалар - 30 (16,9%; 30/177;  $p<0,05$ ) ҳомиладорда ва ҳомиладорликнинг биринчи ярмида ўРК - 62 (35%; 62/177;  $p<0,05$ ) аёлда қайд этилди.

Назорат гуруҳида ҳомиладорликнинг тўхташ хавфи, ИЦЕ, ретрохориал гематомалар, ГҚД, гипотиреоз каби асоратлар кузатилмади, бошқа асоратлар эса кам сонли ҳомиладорлар ўртасида кузатилди. 2-гуруҳдаги аёлларда ҳомиладорлик кечиши хусусиятларини қайд этиш лозим.

1-расмда кўриниб турганидек, 2-гуруҳдаги аёлларда ҳомиладорлик пайтидаги асоратлар частотаси барча ҳолатларда 1-гуруҳдагига нисбатан кам бўлди. Энг кўп аҳамиятга эга асорат ҳомиладорликнинг тўхташ хавфи бўлди ( $\chi^2=6,8$ ;  $p<0,01$ ).



**Расм. 1. Гуруҳларда ҳомиладорлик кечиш хусусиятлари структураси**

Ўтказилган корреляцион таҳлил D витамини даражаси билан ҳомиладорлик кечиши асоратлари ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжудлигини аниқлаб берди: D витамини танқислигига мос келадиган кўрсаткичлари

хомиладорликнинг тўхташ хавфи, ретрохориал гематомалар ҳосил бўлиши, гестацион қандли диабет (ГСД), хомиладорлар анемияси, гестация муддатлари мос келмайдиган гиперкоагуляция ривожланиши билан тескари ўртача боғлиқликга эга бўлди ( $\tau=0,29$ ;  $p=0.001$ ).

Шунингдек, корреляцион таҳлил D витамини даражаси билан хомиладорликнинг биринчи ярмидаги ЎРК ўртасида кучли ўзаро боғлиқлик мавжудлигини кўрсатди ( $\tau=0,5$ ;  $p<0,05$ ).

D витаминининг мультимодал хоссалари, шу жумладан хомиладорлик пайтида унинг танқислигининг туғруқлардаги эҳтимолий оқибатлари ва хомиллага таъсири ҳақидаги маълумотларни эътиборга олиб, гуруҳларда давом эттирилган хомиладорлик натижалари таҳлил этилди (жадв. 10).

**Жадвал 10**

**Гуруҳларда давом эттирилган хомиладорликлар натижалари**

Ҳомиладорлик натижалари	Текширилган аёллар гуруҳлари (n=410)					
	Асосий гуруҳ				Назорат гуруҳи (n=30)	
	1 гуруҳ (n=177)		2 гуруҳ (n=203)			
	Абс.	%	Абс.	%	Абс.	%
Ўз вақтида содир бўлган туғруқлар	126	71,2	175	86,2	30	100
Вақтидан илгари туғруқлар	35	19,8*	14	6,9^	0	
Кесар кесиш усули ёрдамидаги туғруқлар	25	14,1*	14	6,9^	2	6,7


Изоҳ: кўрсаткичлардаги фарқларнинг ишончилиги ( $p<0,01$ ): \* - 1- гуруҳ ва назорат гуруҳи ўртасида; ^ - 1- ва 2-гуруҳ ўртасида ( $p<0,05$ ).

Олинган натижалар D витамини танқислигига эга хомиладорлар гуруҳида вақтидан илгари содир бўладиган туғруқлар частотаси юқорилигини кўрсатди ( $\chi^2=4,2$ ;  $F=0,047$ ;  $p<0,05$ ).

Ўтказилган корреляцион таҳлил D витамини даражаси билан хомиладорлик натижалари ўртасида боғлиқлик мавжудлигини кўрсатди. Ўтказилган таҳлил натижаларига кўра D витамини танқислиги билан ўз вақтида содир бўладиган туғруқлар ўртасида бевосита ўзаро боғлиқлик мавжудлиги аниқланди ( $\tau=0,3$ ;  $p<0,05$ ), шунингдек D витаминининг паст даражаси билан вақтидан илгари туғруқлар хавфи ўртасида ( $\tau =-0,26$ ;  $p<0,05$ ) ҳамда кесар кесиш усули ёрдамидаги туғруқлар ўртасида ( $\tau =-0,23$ ;  $p<0,05$ ) тескари боғлиқлик аниқланди (расм2).

Олинган натижалар адабиётлардаги маълумотларга мос келади ва D витаминининг нейтрофиллар ҳамда цитокинлар синтези ва функцияларини бошқариши билан изоҳланади, бу эса яллиғланишга қарши ва иммунмодуловчи таъсирни белгилаб беради.

Аммо индивидуал натижаларни баҳолашда аниқландики, D витамини танқислиги қайд этилган гуруҳда болалар вазни паст ёки юқори кўрсаткичларга эга бўлди ҳамда сезиларли фарқлар кузатилди.



**Рис. 2. Гуруҳларда ҳомиладорлик натижалари**

Ҳомиладорлар қон зардобида цитокинлар миқдорини аниқлаш натижалари 11-жадвалда келтирилган. 1- ва 2- гуруҳларидаги ҳомиладорлар қонида цитокинларнинг олинган ўртача қийматлари бир бирдан фарқланмади.

**Жадвал 11**

**Гуруҳларда ҳомиладорлар қонида цитокинларнинг ўртача кўрсаткичлари**

Ҳомиладорлар қон зардобида цитокинлар миқдори, статистик параметрлар	Текширилганлар гуруҳи (n=76)		P
	Асосий гуруҳ		
	1 гуруҳ (D вит танқ) n=46	2 гуруҳ (D вит етишм.), n=30	
INF $\gamma$ (яллиғланиш олди)	63,7 $\pm$ 5,8	97,4 $\pm$ 6,4	<0,05
IL-8 (яллиғланиш олди)	836,4 $\pm$ 11,6	559,3 $\pm$ 8,9	<0,05
IL-10 (яллиғланиш олди)	67,8 $\pm$ 8,5	70,1 $\pm$ 3,4	>0,05
IL-4 (яллиғланиш олди)	16,2 $\pm$ 3,2	19,8 $\pm$ 2,9	>0,05

Аммо, D витаминининг юқори кўрсаткичларига эга ҳомиладорларнинг 2-гуруҳида яллиғланиш олди цитокинлари кўрсаткичлари D витамини танқислигига эга 1-гуруҳ аёллари қонида яллиғланиш олди цитокинларига нисбатан устунлик қилди. 1- ва 2- гуруҳ ҳомиладорлари қонида D витамини ва цитокинлар даражаси ўртасида ўтказилган корреляцион таҳлил D витамини даражаси билан яллиғланиш олди цитокини ИЛ-8 ўртасида тесқари боғлиқлик мавжудлигини кўрсатди ( $R_s = -0.54$ ;  $p < 0.05$ ).

D витамини танқислиги ва етишмовчилигига эга ҳомиладорларнинг катта фоизидакин инфекцияси аниқланганлигини ҳисобга олиб цервикал канал хужайраларида яллиғланиш олди ва яллиғланишга қарши цитокинларнинг маҳаллий синтези таҳлил қилинди (жадв. 12).



**Гурухларда хомиладорлар цервикал канал шиллигида цитокинларнинг ўртача кўрсаткичлари**

Цервикал канал шиллигида цитокинлар даражаси, статистик параметрлар	Текширилганлар гурухлари (n=76)		P
	Асосий гурух		
	1 гурух (D вит танк) n=46	2 гурух (D вит етишм.) n=30	
INF $\gamma$ (яллиғланиш олди.)	32,9 $\pm$ 3,8	31,8 $\pm$ 4,1	>0,05
IL-8 (яллиғланиш олди)	595,0 $\pm$ 11,6	390,3 $\pm$ 9,1	<0,05
IL-4 (яллиғланишга қарши.)	15,2 $\pm$ 2,6	12,3 $\pm$ 1,9	<0,05

Келтирилган жадвалдан кўришиб турибдики, яллиғланиш олди цитокинларининг юқори кўрсаткичлари D витамини етишмовчилигига эга хомиладорларга нисбатан D витамини танқислигига эга хомиладорлар цервикал канали хужайраларида аниқланади. Аммо, D витамини танқислигига эга хомиладорлар гуруҳида яллиғланиш олди цитокинлари устунлик қилишига қарамадан, гуруҳлар ўртасида кўрсаткичларда ишончли фарқлар аниқланмади ( $p < 0,05$ ). Қайд этиш лозимки, корреляцион таҳлил хомиладорларда цервикал канал хужайраларида хужайравий иммунитет кўрсаткичлари ва кон зардобидаги D витамини даражаси ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжудлигини аниқлади: хомиладорларнинг 1-гуруҳида D витамини миқдори билан INF $\gamma$  кучли тесқари боғлиқликга эга бўлди ( $\tau = -0.77$ ,  $p = 0,05$ ).

Шахсий тадқиқотлар натижалари D витаминининг она-йўлдош-хомила тизими функциясини таъминлашдаги муҳим роли ва унинг танқислигининг хомиладорлик кечиши, преэклампсия ривожланиши ва чақалоқлар саломатлиги ҳолатига салбий таъсир этишидан далолат беради.

Диссертациянинг **“Хомиладорлик, туғруқлар кечишини ва чақалоқлар саломатлиги ҳолатини яхшилаш учун D витамини танқислигини олдини олиш ва коррекциялаш самарадорлиги”** деб номланган бешинчи бобида текширувдан ўтган қизлар ва аёллар орасида D витамини профилактикаси ва коррекциясини баҳолаш бўйича тадқиқот натижалари кўрсатилган.

**Предгравидар тайёргарликда D витаминини қўллаш бўйича тавсиялар:**

1. 25-ОН-D миқдорини аниқлаш.
2. 25-ОН-D даражаси  $< 20$  нг/мл аниқланганда - D витаминини 2000 МЕ дозада, 25-ОН-D  $< 10$  нг/мл да- 4000 МЕ дозада тайинлаш ва 8 ҳафтадан кейин лаборатория назоратини ўтказиш тавсия этилади. Мақсадли даража 30 нг/мл.га эришилганда—профилактик доза 1000 МЕ тайинланади.

**Хомиладорлик давомида D витаминини қўллаш бўйича тавсиялар:**


1. 25-ОН-D миқдорини аниқлаш.
2. 25-ОН-D даражаси  $< 20$  нг/мл аниқланганда - D витаминини 2000 МЕ дозада тайинлаш ва 8 ҳафтадан кейин лаборатория назоратини ўтказиш тавсия

этилади. Мақсадли даража 30 нг/мл.га эришилганда—профилактик доза 1000 МЕ тайинланади.

3. Лаборатория назоратини бажаришнинг имкони бўлмаганда—хомиладорлик ва лактация жараёни давомида D витаминининг профилактик дозаси 1000 МЕ тайинланади. Қизлар D витамини қабул қилган ва қабул қилмаган иккита когортага ажратилди: D витамини миқдори меъёрий кўрсаткичларга эга бўлган қизларга профилактик дозалар тайинланди.

Қизларнинг тақсимланиши қуйидагича бўлди: 1А – D витаминини профилактик дозаларда қабул қилган 38 нафари; 1Б – D витаминини профилактик дозаларда қабул қилмаган 54 нафари; 2А – витамин етишмовчилигини коррекциялаш мақсадида D витаминини қабул қилган 18 қиз; 2Б – витамин танқислигини коррекциялаш мақсадида D витамини қабул қилмаган 10 қиз.

Динамик текширувлар жараёнида аниқландики, D витамини миқдори етарли даражада бўлган, аммо D витаминини қабул қилмаган 1А гуруҳидаги аёллар ўртасида 6 та ҳайз цикли давомида хомиладор бўлганлар сони– 76,3% (29 аёл)ни ташкил қилди, 1 Б гуруҳ аёллари ўртасида– 61,1% (33 аёл)ни, бу бола туғилиш эҳтимоллигини 15,2%га камайтиради (расм 4). 1А гуруҳдаги 29 аёлдан 21 нафарида бола туғилган, бу 72,4% ни ташкил қилди, 1Б гуруҳда эса бола туғилиши 33 аёлдан 17 нафарида қайд этилган, бу 51,5%ни ташкил қилди.



**Расм. 4. 6та ҳайз цикли давомида хомиладор бўлган аёллар улуши**

Шундай қилиб, режалаштирилган хомиладорликга қадар D витамини қабул қилмаган аёллар ўртасида бола туғилиш эҳтимоллиги 20,9%га камайиши қайд этилади. 2А гуруҳидаги 18 аёлдан 11нафарида (61,1%) хомиладорлик 6 ҳайз цикли давомида содир бўлди, 2Б гуруҳида эса бор-йўғи 40% аёл хомиладор бўлган, бу D витамини етишмаслигида хомиладор бўлиш эҳтимоллигини 21,1% камайтиришини кўрсатади.

2А гуруҳидаги хомиладор бўлган 11 аёлдан 8 нафари тукқан (72,7%), 2Б гуруҳда эса 4 хомиладордан 2 нафари тукқан, бу D витамини етишмаслигида бола туғилиш эҳтимоллиги 32,2%га камайишини англатади. Тадқиқотлар сонининг камлиги сабабли барча хомиладорлар ва тукқан аёллар 2 гуруҳга

ажратилди: 1 гуруҳ – D витамини қабул қилган 29 аёл ва 2 гуруҳ – D витамини қабул қилмаган 21 аёл.

13-жадвалдан кўришиб турибдики, иккала гуруҳда ҳам ҳомиладорликнинг энг кўп кузатиладиган асорати камқонлик бўлди, аммо D витамини қабул қилган аёлларда 2-гуруҳга (61.9%) нисбатан у 1,8 марта кам (34.5%) ривожланди, энгил шакли устунлик қилди, касалликнинг оғир шакллари қайд этилмади.

**Жадвал 13**

**Айни дамда кечаётган ҳомиладорликнинг асосий асоратлари**

Асоратлар тури	1 гуруҳ (n=29)		1 гуруҳ (n=21)	
	n	%	n	%
Ҳомиладорликнинг тўхташ хавфи	6	20,7	9	42,9*
Фетоплацентар етишмовчилик	7	24,1	10	47,6*
Анемия	10	34,5	13	61,9*
Презклампсия	3	10,3	6	28,6*
а) энгил кечиши	2	6,9	3	14,3*
в) оғир кечиши	0	0,0	1	4,8
Қоғоноқ сувининг вақтидан илгари кетиши	1	3,4	2	9,5*
Нормал жойлашган йўлдошнинг вақтидан илгари кўчиши	0	0,0	1	4,8
Вақтидан илгари туғруқлар	2	6,9	4	19,0*

Изоҳ: \*p<0,05, 1-ва 2- гуруҳ ҳомиладорлари ўртасидаги ишончли фарк

Иккинчи ўринда ривожланиш частотаси бўйича фетоплацентар етишмовчилик бўлди, 1-гуруҳда ушбу асорат 2-гуруҳдагига нисбатан 1,9 марта кам кузатилди.

D витаминини қабул қилиш фонида ҳомиладорликнинг тўхташ хавфи частотаси 2,2 мартага камайгани қайд этилган. Шунингдек, 1- гуруҳда вақтидан илгари туғруқлар сони ҳам 2,3 баробар камайди. Замонавий тасаввурларга мувофиқ, гипоксия ривожланганда ҳомила вақтидан илгари туғруқларни келтириб чиқаради, шу сабабли ҳомиланинг она қорнидаги ҳолатини нормаллаштириш ҳомиладорликнинг муваффақиятли давом эттиришга олиб келади.

Тўлақонли туғруқдан олдинги тайёргарлик натижасида презклампсия частотасининг 2,5 баробар камайганлиги ва энгил шаклига ўтганлиги (83,33%) қайд этилган. Даволаш қийин бўлган оғир презклампсия 2-гуруҳдаги 3 аёлда 4,8% ҳолатда кузатилган. Комплекс превентив тайёргарлик кўрган аёлларда қоғоноқ сувининг вақтидан илгари кетиш частотаси 3,2 баробар кам бўлган. Табиий туғруқ йўллари орқали туғиш 1-гуруҳдаги 25 (86,2%) ҳомиладорда қайд этилган, бу 2-гуруҳдаги (76,2%) аёллардан 11,15% га кўп.

Индуцирланган туғруқлар частотаси 1-гуруҳда 2 баробар камайди ва 13,8%ни ташкил қилди. Бу гуруҳдаги аёлларда 10,5% ҳолатда дастурлаштирилган туғруқлар амалга оширилган ва 13,8%ни ташкил қилган. Бу туғруқга комплекс тайёргарликнинг яқунланиши ва ҳомила етилганлиги

билан боғлиқ, бу туғруқларни қулай шароитларда амалга ошириш ва преэклампсия ҳамда ФПЕнинг зўрайишини олдини олиш имконини беради.

Туғруқлар кечишини таҳлил қилишда 1-гуруҳ аёлларида жарроҳлик ёрдамида туғиш фоизи қисқарганлиги аниқланди. 1-гуруҳдаги аёлларнинг умумий сонидан 10,3%да туғруқлар кесар кесиш ёрдамида амалга оширилган, ваҳоланки D витаминини керакли дозада қабул қилмаган хомиладорларда мазкур жарроҳлик амалиёти 23,8% ҳолатда амалга оширилган.

Бу ижобий самара 1-гуруҳдаги аёлларда туғруқ фаолияти нуқсонлари частотасини 5 баробар камайиши, преэклампсия частотаси ва оғирлик даражасининг камайиши, қоғонок сувининг вақтидан илгари кетиши частотасининг камайиши, хомила томонидан асоратлар сонинг камайиши билан боғлиқ, буларнинг барчаси 2-гуруҳ аёлларида жарроҳлик усули ёрдамидаги туғруқларга кўрсатмалар сирасига кирган (жадвал 14).

**Жадвал 14**

**Текширилган аёлларда туғруқлар кечишининг асоратлари**

Асоратлар	1 гуруҳ (n=29)		1 гуруҳ (n=21)	
	абс.	%	абс.	%
Қоғонок сувининг вақтидан илгари кетиши	3	10,3	5	23,8*
Туғруқнинг фаол фазасини чўзилиши	2	6,9	5	<b>23,8*</b>
Туғруқни 2- даврининг чўзилиши	-	-	1	4,8
Кесар кесиш амалиёти	4	13,8	5	23,8
Туғруқ йўлларининг йиртилиши	1	3,4	4	19,0*
Йўлдош кўчиши ва ажралиши патологиялари	-	-	1	4,8
Гипотоник қон кетиши	-	-	2	9,5
Бачадон бўшлиғини қўл билан текшириш амалиёти	-	-	1	4,8

Изоҳ: \*p<0,05, фарқ 1- ва 2-гуруҳ хомиладорлари ўртасида ишончли.

Табиий туғруқ йўллари орқали туғишда йўқотилган қон ҳажми 1-гуруҳда 100 мл дан 350 млгачани ва ўртача 179,1±30,41 мл ни ташкил қилиб 2-гуруҳдаги худди шундай кўрсаткичлардан сезиларли фарқланди (320 ± 35,7 мл) (p<0,001).

Туғруқларнинг III ва эрта чилла даврда қон кетишлар частотаси 1-гуруҳдаги хомиладорларда 2-гуруҳ аёлларига нисбатан 20,47%га камайди. Буни 1-гуруҳ аёлларида туғруқлар пайтида эпизио- ва перинеотомия каби оператив қўлланмалардан фойдаланиш 2,8 мартага камайганлиги ҳисобига оналарнинг жароҳатланиш кўрсаткичлари 13,81%га камайганлиги билан изоҳлаш мумкин.

1-гурухда биронта ҳам гипотоник қон кетишлар ҳолати қайд этилмади, бунга ушбу аёллар контингентиде профилактик чора-тадбирларни ўз вақтида ўтказиш натижасида эришилди.

15 жадвалда иккала гуруҳдаги туғруқдан кейинги асоратлар тўғрисидаги қиёсий маълумотлар келтирилган.

**Жадвал 15**

**Текширилган аёлларда туғруқдан кейинги давр асоратлари**

Асоратлар	Асосий гуруҳ (n=29)		Назорат гуруҳи (n=21)	
	абс.	%	абс.	%
Эндометрит	1	3,4	2	9,5*
Бачадон субинволюцияси	1	3,4	3	14,3*
Гипогалактия	2	6,9	3	14,3*
Мастит	-	-	1	4,8
Жами асоратлар	4	13,8	7	33,33*

\* $p < 0,05$ , фарқ ишончли 1- ва 2- гуруҳ ҳомиладорлари ўртасида

Эндометритнинг ривожланиш частотаси асосий гуруҳда 2,5 баравар кам бўлган. D витаминини қабул қилишва асоратларни коррекциялаш фониде 1-гуруҳ ҳомиладорларида лактация етишмовчилигига эга аёллар сони 2-гуруҳга нисбатан камайди.

Гипогалактия 1-гуруҳдаги туққан аёлларнинг 6,9% ида кузатилди, бу 2-гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан 1,5 баробар кам (14,3%). 2-гуруҳ аёлларида 20 (95,2%) бола тирик туғилган, 1-гуруҳда эса - 29 (100%) бола. Шундан ўз вақтига етиб туғилган болалар сони 71,4% ва 89,7%, чала туғилганлар – 23,8% ва 6,9%, вақтидан ўтиб туғилганлар сони – 4,8% ва 3,4% мос равишда ташкил этди.

Шундай қилиб, аёлларда ҳомиладорлик, туғруқ, туғруқдан кейинги даврлар кечиши асоратлари частотасининг камайиши, перинатал натижаларнинг яхшиланиши таклиф этилган D витамини қабулининг тайёргарлик кўриш ва ҳомиладорлик пайтида киритилиши самара бериши ва кундалик амалиётда қўллаш мумкинлигини асослаб беради.

Ҳомиладорлик даврида D витаминини қабул қилган 113 нафар аёллардан I гуруҳ (n= 45) ташкил қилинди, улар ҳомиладорлар учун стандарт тавсия қилинган поливитаминли комплекслар таркибида D витаминини 500 ХБ миқдорда қабул қилишган.

II кичик гуруҳ (n = 45) –ҳомиладорлик мобайнида туғруқгача ҳар куни D витаминини 2000 ХБ миқдорда (500 ХБ-поливитаминли комплекслар таркибида ва 1500 D витамини D витаминининг ёғли эритмаси кўринишида) қабул қилган аёллар.

III кичик гуруҳ (n = 23) - ҳомиладорлик мобайнида туғруқгача ҳар куни D витаминини 4000 ХБ миқдорда (500 ХБ-поливитаминли комплекслар таркибида ва 3500 D витамини D витаминининг ёғли эритмаси кўринишида) қабул қилган аёллар (жадв. 16).

**Гуруҳларда қондаги D витамини концентрациялари ва биокимёвий кўрсаткичлар**

	I кичик гуруҳ (500 МЕ), n=45	II кичик гуруҳ (2000 МЕ), n=45	III кичик гуруҳ (4000 МЕ), n=23
Ёш, йил	28,6±0,3	27,2±0,5	30,4±0,3
ТВИ, кг/м <sup>2</sup>	23,2±0,2	22,0±0,2	21,3±0,1
1-текширув (12-14 ҳафталик)			
Вит. D, нг/мл	16,7±0,1	15,8±0,08	17,4±0,1
ПТГ, пг/мл	29,6±0,2	32,5±0,3	27,2±0,2
Ca <sup>+</sup> , ммоль/л	2,17±0,01	2,18±0,01	2,15±0,01
P, ммоль/л	1,16±0,01	1,174±0,001	1,16±0,01
Mg, ммоль/л	0,69±0,01	0,7±0,01	0,71±0,01
2-текширув (24-26 ҳафталик)			
Вит. D, нг/мл	17,8±0,3	30,2±0,4	34,8±0,2
ПТГ, пг/мл	26,5±0,3	29,3±0,4	24,2±0,3
Ca <sup>+</sup> , ммоль/л	2,16±0,01	2,22±0,01	2,28±0,01
P, ммоль/л	1,17±0,01	1,2±0,01	1,21±0,01
Mg, ммоль/л	0,72±0,001	0,73±0,001	0,73±0,001
3-текширув (34-36 ҳафталик)			
Вит. D, нг/мл	19,9±0,2	38,7±0,4	44,6±0,5
ПТГ, пг/мл	23,7±0,2	25,2±0,3	22,8±0,4
Ca <sup>+</sup> , ммоль/л	2,15±0,001	2,29±0,001	2,39±0,001
P, ммоль/л	1,18±0,001	1,24±0,001	1,24±0,002
Mg, ммоль/л	0,74±0,001	0,76±0,001	0,82±0,001

Барча кичик гуруҳлардаги аёлларда D витамини, паратгормон, умумий кальций, фосфор ва магний миқдорлари ҳомиладорликнинг 12-14, 24-26 ва 34-36 ҳафтасида аниқланди. D витамини дозаларига боғлиқ ҳолда ҳомиладорликнинг турли муддатларида ПТГ кўрсаткичлари динамикаси таҳлил қилинди.

I кичик гуруҳда (500 МЕ) ҳомиладорликнинг 12-14 ҳафталикларида биринчи марта қон олинганига нисбатан 24-26 ҳафтасида ПТГ миқдорларининг бир оз камайиши кузатилди (белгилар мезони,  $p < 0,0001$ ). ПТГ миқдори тадқиқотнинг 34-36 ҳафтасида ҳам камайишда давом этди (белгилар мезонлари,  $p < 0,0001$ ).

Иккинчи ва учинчи текширувларда ПТГ ва D витамини миқдорлари ўртасида ўртача корреляция кузатилди ( $r = -0,48$ ;  $N = 45$ ;  $p = 0,001$  ва  $r = -0,41$ ;  $N = 45$ ;  $p = 0,006$  мос равишда).


II кичик гуруҳ (2000 МЕ) ва III кичик гуруҳда (4000 МЕ) ПТГ кўрсаткичлари ҳомиладорликнинг бошидан охиригача камайиб борди ( $p < 0,0001$ ). 12-14 ҳафталикда иккала гуруҳда ҳам ПТГ ва D витамини миқдорлари ўртасида юқори ва сезиларли корреляция кузатилди ( $r = -0,83$ ;  $N = 45$ ;  $p = 0,000$  ва  $r = -0,61$ ;  $N = 23$ ;  $p = 0,002$  мос равишда).

II кичик гуруҳда иккинчи текширувда аҳамиятлилик даражаси 0,05 ( $p=0,119$ )дан ортди, учинчи текширувда корреляция ўртача бўлди ( $r= - 0,40$ ;  $N=45$ ;  $p=0,007$ ).

III кичик гуруҳда (4000 ХБ) ПТГ ва D витамини миқдорлари ўртасидаги корреляция ҳисобланганда 2- ва 3-текширувларда аҳамиятлилик даражаси 0,05дан ортди ( $p=0,4$  вар=0,9 мос равишда), буни кўрсаткичлар ўртасида корреляция мавжуд эмаслиги сифатида баҳолаш мумкин.

Барча кичик гуруҳлар ўртасида иккинчи ва учинчи текширувлардаги ПТГ концентрацияларида сезиларли фарқ аниқланмади, гуруҳлар ҳар хил тарқоқликга эга бўлди. Тадқиқотнинг турли муддатларида олинган маълумотлар D витамини концентрациясининг белгиланган меъёрий кўрсаткичларга (вит.Д > 30 нг/мл). нисбатан баҳолашга боғлиқ равишда гуруҳланди ва таҳлил қилинди.

Ҳомиладорликнинг 24-26 ҳафталигида ўтказилган иккинчи текширувда D витамини танқислигига эга аёллар ўртасида ПТГ ва D витамини миқдорлари ўртасида корреляция сезиларли бўлди ( $r= -0,65$ ;  $N=29$ ;  $p=0,0001$ ), D витамини етишмовчилигига эга аёллар ўртасида ҳамда D витамини даражаси кўрсаткичлари меъёрий деб топилган аёллар ўртасида корреляция кузатилмади ( $p = 0,76$ ). Динамикада D витамини билан таъминланганликни баҳолаш D витаминини тайинлашга боғлиқ равишда принципиал хусусиятларни аниқлаб берди (расм 5).



**Расм 5. Ҳомиладорликнинг турли муддатларида қабул қилинган D витамини дозасига боғлиқ ҳолда D витамини даражаси динамикаси**

1- текширувда (12-14 ҳафта) D витамини миқдори иккала гуруҳда ҳам ишончли фарқга эга бўлмади, аммо 24-26 ҳафталикда сезиларли фарқлар кузатилди. D витамини қабул қилган ҳомиладорлар ўртасида аксарият ҳолларда ушбу витамин кўрсаткичлари меъёрий кўрсаткичларга етди, D витамини қабул қилмаган ҳомиладорларда эса D витамини кўрсаткичлари

бошланғич, яъни 12-14 ҳафталикдаги натижаларга нисбатан камайиш тенденциясига эга бўлди.

3-текширувда, яъни ҳомиладорликнинг 34-36 ҳафталигида Б гуруҳидаги аёлларда D витамини даражаси аксарият ҳолларда меъёрий кўрсаткичларга эга бўлди, аммо 39,8% (45 ҳомиладор аёл) да D витамини миқдорининг камайиши қайд этилди. Тадқиқотда иштирок этган аёллар ўртасида қабул қилинган D витамини дозасига боғлиқ равишда ҳомиладорлик кечишининг қуйидаги асоратлари кузатилди, олинган натижалар 17 жадвалда келтирилган.

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, D витаминининг 500 ME дозасида 2000 ME ва 4000 ME дозаларига нисбатан асоратлар кўпроқ кузатилади. D витаминининг паст кўрсаткичларига эга аёлларда ҳомиладорликда 2000ME дозаси тайинланганда 500ME дозировкасига нисбатан ҳомиладорлик асоратларининг ривожланишини сезиларли камайтиришга эришилади, аммо 4000ME тайинланганда преэклампсия, ГҚД, йирик ҳомила ва кесар кесиш каби хавфли асоратлар кузатилмади.

#### Жадвал 17

#### D витаминининг бошланғич кўрсаткичлари паст бўлган аёллар ўртасида ҳомиладорлик кечишининг ташхисланган асоратлари статистикаси

Кичик гуруҳ	I кичик гуруҳ (500 ME)	II кичик гуруҳ (2000 ME)	III кичик гуруҳ (4000 ME)	Жами
Жами	45	45	23	<b>113</b>
Ҳомиладор анемияси	20 (44,4%)	13 (28,9%) <sup>^*</sup>	2 (4,4%)*	<b>35 (31,0%)</b>
%	4 (8,9%)	2 (4,4%)	0	<b>6 (5,3%)</b>
Преэклампсия	2 (4,4%)	2 (4,4%)	0	<b>4 (3,5%)</b>
%	3 (6,7%)	1(2,2%) <sup>^</sup>	0	<b>4 (3,5%)</b>
ГҚД	2 (4,4%)	2 (4,4%)	0	<b>4 (3,5%)</b>

Изоҳ: ГҚД – гестацион қандли диабет; <sup>^</sup> - I кичик гуруҳга нисбатан натижалар ишончилиги (P<0,05); \* - II кичик гуруҳга нисбатан натижалар ишончилиги (P<0,05)

D витаминини қабул қилган аёллар ўртасида кўпсувлилик, нормал жойлашган йўлдошнинг вақтидан илгари қўчиши 2 марта кам кузатилди, йўлдош ўлчамининг кичрайиши ёки катталашуви кўринишидаги ўзгаришлар 1,4 марта, ҳомила ривожланишининг кечикиши синдроми эса 1,7 марта кам аниқланди. Бундан ташқари, 4000ME доза тайинланишида бу асоратлар қайд этилмади.

D витаминини қабул қилган оналардан туғилган чақалоқлар ҳолатини баҳолашда аниқландики, 97 (85,8%) чақалоқ Апгар шкаласи бўйича 7-9 баллга эга бўлди.

1 даражали церебрал ишемия 15 чақалоқда (13,3%) кузатилди, 2 даражали - 4 (3,5%), 3 даражали - кузатилмади. 20 (17,7%) чақалоқда ҳомила



ривожланишининг ортда қолиши 1 даражали синдроми ташхисланди, 4 (3,5%) - кефалогематома, 15 (13,3%) - гипербилирубинемия, 12 (10,6%) - ҲИИ.

Таққосланадиган гуруҳдаги (D витамини қабул қилмаган) аёллардан 41 чақалоқ (63,1%,  $p < 0,01$ ) Апгар шкаласи бўйича 7-9 балл билан туғилди. Умуман ҳомила гипоксияси 2 марта кўп кузатилди, шу сабабли 1-2 даражали церебрал ишемия билан 19 (29,2%,  $p < 0,01$ ) чақалоқ туғилди, 3 даража - 2 (3,1%) чақалоқда кузатилди. 22 (33,8%) чақалоқда ҳомила ривожланиши ортда қолишининг 1 даражали синдроми ташхисланди, 2 даражали синдроми- 2 (3,1%).

Кефалогематома- 9 (13,8%), қоринчалар ичига қон қуйилиши -6 (9,2%), гипербилирубинемия -15 (23,1%), ҲИИ -17 (26,2%) чақалоқда қайд этилди. Шундай қилиб, D витаминини қўллаш мазкур витаминнинг паст даражасига эга аёлларда перинатал натижаларни сезиларли яхшилайти.

D витамини препаратини тайинлашда витамин билан таъминланиш сезиларли ортади ва ҳомиладорликнинг ижобий кечиши кузатилади. D витаминини профилактика мақсадида тайинланиши кесар кесиш, гипоксия ва ҳомиланинг церебрал зарарланиши частоталарини икки баробар камайтиради.

Мавжуд тушунчалар бўйича ҳомиладорликда D витамини танқислиги билан боғлиқ асоратларни олдини олиш учун 30 нг/мл дан ортиқ миқдорни ушлаб туриш зарур. Тадқиқотларимиз натижалари ҳомиладор аёлларнинг D витаминига бўлган кунлик эҳтиёжи сифатида 600 МЕни қабул қилиш бўйича мавжуд тавсиялари (Тиббиёт Институтини, АҚШ) аёлларда D витамини танқислигини олдини ололмаслигини кўрсатди.

Тажрибаларимиз ҳомиладорлардаги D витаминининг паст таъминоти ҳомиладорлик давомида ушбу витамин препаратларининг камида 2000-4000 МЕ сини талаб этишини кўрсатди. Бу дозаларнинг тайинланиши қонда D витамини миқдорининг 20 нг/мл дан барқарор кўпайтириш ва акушерлик ҳамда перинатал асоратлар частотасини камайтириш имконини беради.

## ХУЛОСА

1. Самарқанд шаҳрида яшовчи навқирон фертил ёшдаги аёллар ўртасида D витамини танқислигининг кенг тарқалганлиги қайд этилади ва у 23% ташкил қилади. 503 нафар текширилган ҳомиладорларнинг 75,5%да D витамини етишмаслиги ташхисланган, шундан 35,2%да витамин танқислиги, 40,4%да етишмовчилиги қайд этилган.
2. ОИЙ касалликлари (НИ 3,52; 95% ДИ: 1,14-10,8,  $p < 0,05$ ), таянч –ҳаракат аппарати касалликлари (НИ5,52; 95% ДИ: 1,15-26,6,  $p < 0,05$ ), анамнезда такрорий инфекцион касалликларнинг мавжудлиги (НХ2,54; 95% ДИ: 1,51-4,28,  $p < 0,05$ ), ёғ алмашинуви бузилишлари ( $F=0,0027$ ;  $p < 0,05$ ) ва жинсий аъзолардаги инфекцион-яллиғланиш касалликлари (НИ 3,52; 95% ДИ: 1,14-10,84,  $p < 0,05$ ) мавжудлиги D витамини танқислиги бўйича хавф гуруҳини ташкил этади.
3. Ҳомиладорликнинг патологик кечиши кўпинча D витамини танқислигига эга аёлларда кузатилиши исботланди ( $t=29,9$ ;  $p < 0,01$ ). D витамини танқислигига эга аёлларда ҳомиладорликнинг тўхтатилиш хавфи D

витамины етишмовчилиги қайд этилган аёлларга нисбатан 9 баробар юқори (НИ 9,11; 95% ДИ: 1,11-74,84,  $p < 0,05$ ).

4. Ўтказилган таҳлил D витамини даражаси ва тизимли ҳамда маҳаллий иммунитет кўрсаткичлари ўртасида корреляцион боғлиқлик мавжудлигини кўрсатди, қонда D витамини даражаси билан ИЛ-8 яллиғланиш олди цитокинлари ўртасида тесқари боғлиқлик ( $R_s = -0.54$ ;  $p < 0.05$ ) ва TGF $\beta$  билан бевоситабоғлиқлик ( $R_s = 0.7$ ;  $p < 0.05$ ) мавжудлиги аниқланди. Цервикал канал хужайраларида D витамини даражаси ва яллиғланиш олди цитокини ИНФу билан кучли тесқари боғлиқлик мавжудлиги аниқланди ( $r = -0.77$ ,  $p < 0,05$ ).
5. D гиповитаминозига эга ҳомиладорларда D витаминининг 2000 МЕ дозасини қўлланилиши ҳомиладорликнинг 3-триместригагина келиб 95,6% аёлда ва 53% болада кальцидиолнинг мақсадли миқдорий даражасига эришиш имконини беради. Холекальциферолнинг 4000 МЕ дозаси 82,6% аёлда ҳомиладорликнинг 2- триместрида ва 100% онада 3-триместрда мақсадли даражага эришиш имконини беради. D витаминининг 500 МЕ дозада қўлланилиши аёлларда ҳам, чақалокларда ҳам, ҳомиладорликнинг на 2-триместрида, на 3-триместрида мақсадли даражага эришиш имконини бермайди. Ҳомиладорликнинг 34-36 ҳафтасига кальцидол даражасининг мақсадли кўрсаткичларига эришмаган аёлларда (I кичик гуруҳ 500 МЕ) кўпроқ анемия кузатилади ( $p = 0.003$ ).
6. D витаминини қабул қилган аёллар ўртасида кўпсувлилик, нормал жойлашган йўлдошнинг вақтидан илгари кўчиши 2 марта кам кузатилди, йўлдош ўлчамининг кичрайиши ёки катталашуви кўринишидаги ўзгаришлар 1,4 баробар, ҳомила ривожланишининг кечикиши синдроми эса 1,7 марта кам аниқланди. Бундан ташқари 4000МЕ доза тайинланишида бу асоратлар қайд этилмади.
7. "Она ва ҳомила" тизими ҳолати ўрганилганда, организмни витамин D билан туйиниш даражаси ва ҳомиладорлик оқибати орасида боғлиқлик борлиги аниқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
DSc.04/30.12.2019Tib.29.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ  
ПЕДИАТРИЧЕСКОМ МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**  

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ПЕДИАТРИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ**

**ДЖУМАНОВ БАХТИЁР АБДУРАЗАКОВИЧ**

**ПАТОГЕНЕТИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ ВИТАМИНА Д В ПРОГНОЗЕ И  
ПРОФИЛАКТИКЕ РАЗВИТИЯ ОСЛОЖНЕНИЙ БЕРЕМЕННОСТИ**

**14.00.01 – Акушерство - гинекология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДОКТОРСКОЙ (DSc)ДИССЕРТАЦИИ  
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ – 2021**

Тема докторской диссертации (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2019.2.DSc/Tib356

Диссертация выполнена в Тошкетский педиатрический медицинском институте  
Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета ([www.tashpmi.uz](http://www.tashpmi.uz)) и информационно-образовательном портале "ZiyoNet" ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный консультант:**

**Зуфарова Шахноза Алимжановна**  
доктор медицинских наук

**Официальные  
оппоненты:**

**Каттаходжаева Махмуда Хамдамовна**  
доктор медицинских наук, профессор

**Алиева Дилфуза Абдуллаевна**  
доктор медицинских наук, профессор

**Хайбуллина Зарина Руслановна**  
доктор медицинских наук

**Ведущая организация:**

**Центр развития профессиональной  
квалификации медицинских работников**

Защита состоится «20» август 2021 г. в 11<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней DSc 04/30.12.2019.Tib.29.01 при Ташкентском педиатрическом медицинском институте (Адрес: 100140, г.Ташкент, Юнусабадский район, ул. Богипамол, 223.Тел./факс: (+99871) 262-33-14), e-mail: mail@tashpmi.uz).

С докторской (DSc) диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского педиатрического медицинского института (зарегистрирована за № 523), (Адрес: 100140, г. Ташкент, Юнусабадский район ул. Богипамол, 223.Тел./факс: (+99871) 262-33-14).

Автореферат диссертации разослан «19» июль 2021 год  
(Реестр протокола рассылки № 109 от 19.07 2021 года)



**А. В. Алимов**  
Председатель научного совета по присуждению  
учёных степеней, д.м.н., профессор

**К.Н. Хайтов**  
Ученый секретарь научного совета по  
присуждению учёных степеней, д.м.н., профессор

**Д.И. Ахмедова**  
Председатель научного семинара при научном  
совете по присуждению учёных степеней,  
д.м.н., профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской (DSc) диссертации)

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В настоящее время по всему миру охрана здоровья матери и ребенка находится в центре внимания ученых и является одним из самых приоритетных направлений здравоохранения Республики Узбекистан. Согласно мировой статистике, коррекция недостаточной обеспеченности беременных женщин витамином D является одной из актуальных задач здравоохранения во всем мире<sup>1</sup>. Поскольку рецепторы к витамину D обнаружены в репродуктивных тканях, включая яичники, матку, плаценту, яички и гипофиз, напрашивается ассоциация витамина D со многими результатами в области репродуктивного здоровья. Поддержание достаточного уровня витамина D важно и на протяжении всей беременности. Дефицит витамина D связан с повышенным риском преждевременных родов, гестационного диабета, преэклампсии, кесарева сечения.

